

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

6-2021

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

**Муассис:** Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMİY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журналі бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

---

#### Таҳрир ҳайъати

**Бош муҳаррир**  
**Масъул муҳаррир**

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.  
ЗОКИРОВ И.И

ФАРМОҢОВ Ш. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR (Япония)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК (Туркия)

КЛАУС ХАЙНСГЕН (Германия)

ЧЕСТМИР ШТУКА (Словакия)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

---

#### Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВА Д. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ҒОҒУРОВ А. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.А. (Ўзбекистон)

ДАДАЕВ С. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

УСМОҢОВ Б. (Ўзбекистон)

ТУРДАЛИЕВ А. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

ОРИПОВ А. (Ўзбекистон)

ШУКУРОВ Р. (Ўзбекистон)

---

**Муҳаррирлар:** Ташматова Т.  
Жўрабоева Г.  
Шералиева Ж.

#### Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.  
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60  
Сайт: www.fdu.uz

---

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

**Манзил:** 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

---

**Фарғона,  
2021.**

|   |     |
|---|-----|
| <b>М.Исломова, Ҳ.Жўраев</b>   |     |
| Қуш тимсоли ва ижтимоий-фалсафий масалалар талқини .....  | 189 |
| <b>О.Абобакирова, М.Жабборова</b>   |     |
| Ўзбек болалар ҳикояларининг жанр хусусиятлари .....   | 192 |
| <b>Г.Касимова</b>   |     |
| Чет тили дарсларида вербал ва новербал мулоқот .....  | 196 |
| <b>М.Раҳмонов</b>   |     |
| Сўзнинг саломатликка таъсири .....  | 199 |
| <b>М.Амонов</b>   |     |
| Туркий изофанинг функционал табиати хусусида .....  | 202 |
| <b>Г.Умаржонова</b>   |     |
| Немис ва ўзбек тилларида “hand – қўл” компонентли соматик<br>фразеологизмларнинг эквивалентлик ҳодисаси ..... | 206 |
| <b>Х.Шокирова</b>   |     |
| Лисоний белги концепцияси .....   | 209 |
| <b>З.Маруфова</b>   |     |
| “Гўзаллик” тушунчасининг лингвопоэтик талқини .....   | 212 |
| <b>И.Аҳмаджонов</b>   |     |
| Шахс оти ясовчи морфемалар семантикасига доир .....   | 215 |
| <b>Н.Махмудова</b>  |     |
| Ўзбек тилидаги телекоммуникация терминларининг семантик хусусиятлари .....                                    | 219 |
| <b>А.Ахтямов</b>  |     |
| Реклама матнларининг таркибий қисмларини прагматингвистик таҳлили .....                                       | 222 |
| <b>З.Маматқулова</b>  |     |
| Ўзбек кулолчилик терминларининг лисоний тавсифи .....   | 226 |
| <b>Х.Максудова</b>  |     |
| Умумфойдаланиш учун белгиланган эмотив луғат .....  | 230 |
| <b>Э.Абдуллаева</b>   |     |
| Миллатлараро мулоқот турли маданият вакилларининг ўзаро тушуниш<br>муҳити сифатида .....                      | 234 |
| <b>Ш.Хошимова</b>   |     |
| Муса Жалил шеърларида “бахт” тушунчаси ва унинг талқини .....   | 238 |
| <b>Ф.Абдурахимова</b>   |     |
| Сўз ясашида ички форма .....  | 243 |

#### ТАРИХГА БИР НАЗАР

|   |     |
|---|-----|
| Фарғона давлат университети тарихига доир ..... | 245 |
| <u>ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ</u>                       |     |
| Қадимшунослик соҳаси билимдони .....            | 247 |

ҚУШ ТИМСОЛИ ВА ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ МАСАЛАЛАР ТАЛҚИНИ

ОБРАЗ ПТИЦЫ И ИНТЕРПРЕТАЦИЯ СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКИХ ПРОБЛЕМ

THE IMAGE OF BIRDS AND SOCIAL-PHILOSOPHICAL INTERPRETATION OF ISSUES

Исломова Моҳира Иномжоновна<sup>1</sup>, Жўраев Ҳабибилло Абдусаломович<sup>2</sup>

<sup>1</sup>Исломова Моҳира Иномжоновна

– Фарғона давлат университети, гуманитар ўналишлар бўйича чет тиллар кафедраси ўқитувчиси.

<sup>2</sup>Жўраев Ҳабибилло Абдусаломович

– Фарғона давлат университети адабиётшунослик кафедраси профессори.

**Аннотация**

Мақолада ўзбек адабиёти намуналарида қуш тимсоли воситасида олға сурилган ғоялар, тарихий воқеликнинг бадиий талқинлари ҳақида сўз юритилади. Хусусан, Муҳаммадшариф Гулханий ижодида қуш образи орқали ифодаланган ижтимоий-фалсафий, маиший-ахлоқий воқеа-ҳодисалар талқин ва тадқиқ этилган.

**Аннотация**

В статье рассматриваются идеи, выдвинутые на примерах узбекской литературы через образ птицы, художественное осмысление исторической действительности. В частности, в произведениях Мухаммада Шарифа Гулхани интерпретируются и исследуются социально-философские, бытовые и нравственные события, выраженные через образ птицы.

**Annotation**

The article deals with the ideas put forward in the examples of Uzbek literature through the image of a bird, artistic interpretations of historical reality. In particular, in the works of Muhammad Sharif Gulkhani, socio-philosophical, domestic and moral events expressed through the image of a bird are interpreted and studied.

**Таянч сўз ва иборалар:** воқелик, эътиқод, тасаввур, эпик тасвир, фалсафий ифода, ижтимоий ғоя, бадиият, анъана, ўзига хослик.

**Ключевые слова и выражения:** реалии, вера, воображение, эпическое образ, философское выражение, социальная идея, художественность, традиция, оригинальность.

**Keywords and expressions:** Reality, belief, imagination, epic image, philosophical expression, social idea, art, tradition, originality.

Халқимиз ҳаётида рўй берган тарихий воқеа-ҳодисалар адиблар томонидан баҳоликдурат қаламга олинган. Жумладан, юрт озодлиги ва шахс маънавияти масалалари, шахс ва жамият муносабатлари, илм-маърифат ва инсон тақдир муаммолари XIX асрнинг иккинчи чораги, XIX аср охирлари адабиётида бир қанча сатирик асарларнинг майдонга келишига сабаб бўлди. Адибларнинг услуб ва дунёқарашлари, хулоса ва позициялари турлича бўлишидан қатъий назар, янги давр, янгича қарашлар, замонавий муносабатлар сўз санъати намуналарида тобора кенг қамров касб этиб борди.

Бадиий адабиёт ижтимоий ҳаётнинг кўзгусидир. Воқеликда рўй бераётган ҳодисалар, турмушдаги ўзгаришлар, халқнинг орзу-умидлари ва интилишлари даврнинг пешқадам кишилари бўлган сўз

санъаткорларининг қалами орқали у ёки бу даражада акс этиб боради. Албатта, воқеликнинг қандай ва қайси позицияда туриб бадиий ифодаланиши шоирнинг дунёқарашлари, истеъдоди, феъл-атвори, таъбидаги муайян мойилликлар таъсирида юзага келади. Тақдирдан хушнудлик ёки, аксинча, замона носозликларидан норозилик, ўз мавқеидан ифтихор ёхуд давр адолатсизликларидан шикоят шоир ижодида мадҳ типигади лирик асарларни ёки, аксинча, сатирик руҳдаги адабиёт намуналарининг майдонга келишига сабаб бўлади [1,56].

Гулханий даври адабий муҳити ҳақида сўз кетганда ҳам ана шу икки позицияда турган ижодкорларни кўз олдимизга келтиришимиз мумкин. Дарҳақиқат, ҳаёт ҳақиқатини қуйлаш борасида Қўқон адабий муҳитининг йирик

вакиллари Акмал, Гулханий, Махмур бошқа шоирлардан фарқ қиладилар.

Айниқса, Махмур хон илтифотига сазовор бўлиш учун тиришмагани, маддоҳликдан йироқ бўлганлиги учун ҳам саройдан ўз муносиб ўрнини топа олмаган. Унинг табиатидаги исёнкорлик, ҳажвга мойиллик, тўғрисўзлик шахсий ҳаётида ҳам кўплаб кулфатлар келтирди. Бу эса, ўз навбатида, шоир ижодида замон носозликларидан шикоят ҳамда воқеликка танқидий назарни келтириб чиқарди.

Махмурнинг изчил издошларидан бўлган Гулханийнинг иқтисодий ночорликда кун кечириши, ҳукмрон табақаларнинг назаридан қолиши, истеъдодига яраша эътибор топа олмаслиги унинг руҳиятида исёнкорлик туйғуларини уйғотиши табиий эди [5,161].

Шоир бора-бора ҳаётни кенгроқ ва чуқурроқ идрок эта бошлайди. Ён атрофида ўзига ўхшаш жуда кўп бахтсиз кишиларни, ижтимоий адолатсизликларни кўра бошлади. У аксарият меҳнаткаш, ҳунарманд ва маърифат соҳибларини ғам-аламда, жоҳил давлатмандларни айш-ишратда кўрди. Замона кулфатларидан ўзи сингари азият чекаётган кишиларга ҳамдардлик туйғуларини ифода эта бошлади. Оддий халқ ғам-ташвишидан йироқ бўлган айрим мансабдор кимсаларнинг қилмишларини ўз кўзи билан кўрган шоир “Зарбулмасал” асарида Кордон номли қуш тилидан назм билан куйидагиларни баён этади:

***Ўзин гоҳ мулло олур, гоҳ тақи,  
Ниёзча оғалиққи, хуш аҳмақи.***

***Ҳама ишга ёлғон сўзи дастгир,  
Сўзин сарф этиб, қорнин айларди сер.***

Гулханий яшаган муҳитда ҳукмрон доиралар бирон нарсага қурби етмаган оддий фуқарога ҳам, мол дунёси бўлмаган олим, фозил кишиларга ҳам паст назар билан қараш ҳоллари учрар эди. Уларнинг андозаси насл-насаб, мансаб ва мол-дунё эди. Шоир ўз мол-дунёсини кўз-кўз қилувчи, ноинсофлик воситасида бойлик орттирувчи давлатмандларни қоралаб, уларнинг кибру ҳавосидан кулади, нафратланади.

Шоирнинг бундай табақалар устидан сатирик таҳлили ва хулосалари бу билан тугамайди. Халқимизда “Бой кийса муборак бўлсин, камбағал кийса қаердан олдинг?” деган аччиқ заҳархандали матал бор.

Гулханий ана шу фольклор манбаидан унумли фойдаланиб, айрим бадавлат кишиларнинг бахиллиги ҳамда ҳасадгўйликларини ҳам аччиқ кулгига рўпара қилади:

***Оламанга келганда олон бирла  
чўлпон бўл,***

***Беришингга келганда хўжа бирла  
мулло бўл.***

Гулханий яшаган даврнинг энг катта иллатларидан яна бири меҳнаткаш омманинг ўз меҳнати самарасидан баҳра ололмаслиги, “ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир”ларнинг текинхўрликдан уялмасликлари эди. Хусусан, Япалоққушнинг Шўрнул исмли қарға дўсти ҳийлагар ва доғули эканлиги, эҳтиёткорликда бир чўқиб икки аланглаши ўзининг ўткир ифодасини топган: “Шўрнул – қушлар кўзига гўл, ўз ишига пишиқ, ҳаромзодаи таррор мишиқ, ҳариф айёр, солор давлатмандлар аснофида мумсики беор, ҳар мурда устида тайёр, йигирманинг бешини мустаҳиққа бериб, ўн бешини кўйнига урган...”

Бу ҳам етмаганидек, айрим ноинсоф кимсаларнинг содда одамларни турли йўллар билан талаши, алдаб кетиши ҳам шоир яшаган давр ва муҳит учун оддий ҳол эди. Натижада муаллиф ана шу каби ижтимоий-фалсафий, маиший-ахлоқий муаммоларни қуш тимсоли воситасида фош қилишга бел боғлайди. Ана шундай кимсалардан бири бўлган Сўфи Қўчқор таърифи Шўрнул тилидан куйидагича берилади: “Оларда ҳисоби тўққуз, берурда саноғи ўттуз”, тўғри сўзга тўғаноқ, изо ва кулфатга ёвуқроқ, макр ва ҳийлада шайтондин муфсидроқ, кўрунмоққа юзсиз, сўзи тузсиз, ёзда совуқ, қишда иссиқ, шарорат пешалиқда Ҳомондин шадидроқ...”

Ўзи мансуб бўлган жамиятдаги адолатсизлик, амир-амалдорларнинг ноинсофлиги, бой-бадавлат кишиларнинг кибр-ҳавоси ва худбинлиги, айрим дин ва шариат пешволарининг мунофиқлиги ва риёкорлиги, охир-оқибат шоир томонидан куйидагича ҳукм ва хулоса чиқарилишига олиб келди: “Ўзи нодон, ҳақ сўз анинг олдида ёлғон, эрта-кеч қўлида тасбеҳ, вирди анинг ҳарза сафиҳ, суратда ҳеч ками йўқ ва маъно бежо кетса ғами йўқ...”

Ҳаёт воқеликларини мунтазам кузатиб борган Гулханий халқ бошига

тушаётган азоб-уқубатларга бепарқ бўла олмас эди. Шунинг учун ҳам кундалик ҳаётда рўй бераётган ҳодисаларга муносабатини билдирар экан, унинг ижодида мавзулар кўлами тобора кенгайиб борди. Шоир яратган асарларда жамиятдаги иллатларни фош қилиш бора-бора муайян ва аниқ шахсларнинг аллегорик тимсолида амалга оширила бошланди. Чунки шоир эл-юртга кулфат келтираётган, одамлар нафратига дучор бўлаётган кимсаларга қарши адабиётни, сатирани қурол қилиб олди.

Очиқ танқид, ўткир ҳажв шоир ҳаётига хатар келтириши мумкинлиги унинг ана шундай нисбатан пардали усуллардан, яъни аллегорик ва мажозий образлардан фойдаланишга мажбур қилар эди. Аммо шоирнинг замондошлари, ҳатто ҳажв қахрамонининг ўзи ҳам бундай куш тимсолидаги аллегорик образнинг остида ким турганлигини яхши билганлари табиий. Бундай образлар қудратли сатирик кучга, юксак бадииятга эгаллиги билан ҳам диққатга сазовордир.

Гулханий ижодида ижтимоий руҳ тобора кучайиб боради. У энди халқ рўшнолигини, осойишта ҳаётини, тинч меҳнатини таъминлаш борасида замонаси ва унинг амалдорларидан, даврнинг мавжуд тузумидан умидини узади. Унинг сатирасида мақол ҳамда матал шаклидаги ишорали киноялар, адресли ҳажвлар халқ бошига кулфат келтираётган ўз даври тузумидан норозилик туйғуларини ифодалай бошлади. Масалан, Кўрқуш тилидан ҳукмдор табақа вакиллари ҳақида айтилган мулоҳазалар бунинг яққол далилидир: “Улуғнинг даргоҳида ҳидеви дониш ва аҳли хирадманди боҳуш ҳар қанча кўп бўлса

ҳам, оз бўлур. Хусусан, подшоҳи одилга уч тоифадин гузир ва чора йўқтир. Аввал, олими боамалки, подшоҳнинг охиратлик асбобини анга кўргузса. Иккинчи, вазири соҳиб раъйки, подшоҳнинг дунёлик яроғини тараддудида бўлса. Учинчи, муншийи ростнавис, қаламзани нигоҳдор ва шамширзан. Ҳоло бу турган ошхўри жомадарронлар таом емоққа ҳозир, маслаҳатга ақли қосир... Бу тоифанинг оз хизмати, кўп миннати бўлур. Ҳар ким бу тоифадин мурувват тилабдур, гўё тол ёғочдин зардолу тилабдур...”

Келтирилган мисолда илгари ўтган илғор қарашли шоирлар ижодида бўлганидек, халқнинг ночор турмушидан норозилик туйғулари ифодаланган, лекин фарқ шундаки, “Зарбулмасал”даги муаллиф образи халқ ичида туриб, халқ номидан гапиради. Бир неча зolim ва нодонлар халқ тепасига чиқиб олиб, халқни оёқ ости қилаётганини айтиб, наҳотки бу балою кулфатлардан қутулишнинг чораси бўлмаса, дея фиғон чекади.

Эътибор берилса, шоир чорасиз халқнинг дарду кулфатларни тақдирдан дея кўникишига қўшила олмайди. Асар тузилиши, тили, ифоданинг соддалиги, ҳаётга реалистик муносабат дарҳол сезилади. Чунки муаллиф муайян даврнинг энг оғир муаммоларини, ижтимоий-фалсафий масалаларни куш тимсоли орқали, аллегорик воситалар ёрдамида таъсирли баён этади. Шунинг учун ҳам Муҳаммадшариф Гулханий асарлари даврлар ўтиши билан ўз ўқувчиларини йўқотмайди, замонавий хусусиятлари, бадиий жиҳатдан таъсирчанлиги туфайли бугунги кунда ҳам севиб ўқилади.

#### Адабиётлар:

1. Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. –Т.: 1993
2. Гулханий. Зарбулмасал. –Т.: 2016.
3. Султон И. Адабиёт назарияси. –Т.: 2006.
4. Қодиров В. Мумтоз адабиёт: Ўқитиш муаммолари ва ечимлар.–Т.: 2009
5. Қайюмий П. Хўқанд тарихи ва унинг адабиёти. –Т.: Тамаддун. 2011.